# Ш А Р Т Н О М А

Наманган шахар | № 30 | 2022 йил. "05" 01

Амалдаги Низом асосида иш курувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи **"DARMON-FARM-SANOAT" масъулияти чекланган жамияти** номидан иш курувчи **Д.Сотволдиев** бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш курувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи **Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази** номидан бюджет ташкилоти рахбари **А.Рахманов** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тугрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома буйича "Харидор"га узаро келишилган микдорда ва муддатларда шартноманинг умумий кийматидан ошмаган суммадаги товар ёки махсулотларни етказиб бериш, «Харидор» эса етказиб берилган махсулотларни кабул килиб олиб, амалдаги конунчилик талабларига мувофик белгиланган тулов кетма-кетлигига риоя килган холда туловларни амалга ошириш мажбуриятини уз зиммасига олади.

Етказиб бериладиган махсулотларнинг шартнома тузиш вактидаги микдори, нархи ва етказиб бериш мудати шартноманинг иловасида келтирилган.

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1.Мазкур шартноманинг бахоси 4 570 000 (Тўрт миллион беш юз етмиш минг) сумни ташкил этади.

2.2. «Харидор» олинадиган махсулотлар учун амалдаги конунчиликда курсатилган, яъни 30 фоиз аванс туловини олдиндан олинадиган махсулот учун «Етказиб берувчи» хисоб ракамига утказиб беради

2.3. «Етказиб берувчи» тегишли даврда томонларнинг узаро келишувига мувофик белгиланган микдорда ва аванс туловидан сунг 30 кун муддатда махсулотларни «Харидор»га етказиб беради.

2.4. «Харидор» такдим этилган хужжатларга асосан 90 кундан ортик булмаган муддатларда узил-кесил хисоб-китоб килади.

2.5. Етказиб берилган махсулотлар учун пул утказиш йули билан накд пулсиз тартибда хисоб-китоб килинади.

2.6. Махсулотларни нарх навони бюджет ташкилоти мустакил равишда белгилайди танлов ёки тендер асосида.

## III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг хукук ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур булган амалдаги давлат стандартлари ва бошка норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб килиш;

Олинадиган махсулотлари "Харидор"га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини коплашни талаб килиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофик бериладиган буюртманомага мувофик тегишли сифат, ассортиментдаги махсулотлари етказиб берилишини талаб килиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар копланишини "Етказиб берувчи"дан талаб килиш.

уз буюртманомаси буйича етказиб берилган махсулотларини мазкур шартномага мувофик кабул килиш;

3.2. "Етказиб берувчи" куйидаги хукук ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган махсулотлари учун олдиндан 30 фоиз туланишини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил хисоб килинишини Харидордан талаб килиш;

"Харидор"га махсулотларини мазкур шартномага мувофик "Харидор" буюртманомасига мувофик муддатлар, сифат ва микдорда етказиб бериш.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофик зарур тарзда бажарилиши керак.

*Агар томонлар уз зиммаларига кабул килинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа,* шартнома бажарилган деб хисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул куйилмайди, конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" муддатлар бузилган холда етказиб берилган махсулотларини кабул килишни рад этишга хаклидир.

4.4. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд махсулотларининг тегишли *туркумларини етказиб бериш санасини узгартиришга хаклидир,* бу хакда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан камида 30 кун олдин хабардор килади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Махсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тулик етказиб берилмаган такдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг

0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган махсулотлар кийматининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва махсулотлар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тулик етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар копланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган махсулотлар учун уз вактида хак туланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бирок бу кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоизидан ортик булмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кулланилади.

**VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан такдирда, томонлар, коидага кура, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат килишга хаклидир.

**VII. ФОРС – МОЖОР**

7.1 Форс – мажор холатлар , жумладан ер кимирлаши , сел келиши каби табиий офатлар шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги конун ва карорларни кабул килиниши натижасида келиб чикадиган холатларда тарафлар мазкур шартнома ва кўшимча келишувлар шартларини бажариш маъсулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

**VIII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ**

8.1. Мазкур шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиклаб, Газначилик бошкармаси (вилоят, шахар, туман) руйхатга олгандан (тасдиклагандан) сунг кучга киради ва 2022 йил « 31 » декабрга кадар амал килади.

**IX. ЯКУНИЙ КОИДАЛАР**

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошка томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган такдирда, томонларлдан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор килиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага хар кандай узгартириш ва кушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил килинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан хакикий хисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

**X. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

«Етказиб берувчи»: **"DARMON-FARM-SANOAT"МЧЖ**

Манзили: Наманган ш Обихаёт МФЙ Шохрухобод кучаси 20уй

Телефон/факс:

Х/р: 20208000000908915001

Банк: АТБ Турон банк Наманган филиали

МФО:00226 СТИР: 308734765

ОКЭД:________

Рахбар: ________ Д.Сотволдиев

(лавозими) (имзо) (Ф.И.О.)

Хукукшунос ________

Бюджет ташкилоти: **Вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт маркази**

Манзили: Наманган ш, Давлатобод т Элобод МФЙ Улуғбек кўчаси 4-уй

Телефон/факс: ________

Х/р: 100021860144017073101054001

МФО: 00014 СТИР: 200056272 ОКЭД: 86511

Ўзбекистон республикаси молия вазирлиги газначилик булими:

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банк: Марказий банк ХККМ Тошкент бўлими

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Бош врач: ________ А.Рахманов

(лавозими) (имзо) (Ф.И.О.)

"DARMON-FARM-SANOAT" МЧЖ билан "Нам. вил. Болалар куп тармокли тиббиёт маркази" уртасида тузилган 05 01 2022 йилдаги № 30 сонли шартномага 1 илова

СПЕЦИФИКАЦИЯСИ

| ПП-3953 | № | Товарлар номи | Ўлчов бирлиги | Мик-дори | Нархи | Жами сўмма (ККС сиз) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 1 | Ампициллин 0,5 г | шт | 2000 | 2 000,0 | 4 000 000 |
| | 2 | Амброксол 2 мл №5 | упк | 40 | 3 750,0 | 150 000 |
| | 3 | Дексаметазон 1мл №10 | упк | 50 | 8 400,0 | 420 000 |
| | | ЖАМИ: | | | | **4 570 000,00** |

| **"DARMON-FARM-SANOAT" МЧЖ** | **Нам. вил. Болалар куп тармокли тиббиёт маркази** |
|---|---|
| Манзил - Наманган ш Обихаёт МФЙ Шохрухобод кучаси 20уй | Манзил: Наманган ш Давлатобод т Элобод МФЙ Улугбек кучаси 4 уй |
| Х/Р: 20208000000908915001 | Х/Р: 100021860144017073101054001 |
| Банк номи АТБ Турон банк Наманган филиали | Банк номи: Марказий банк ХККМ |
| МФО: 00226 ИНН : 308734765 ОКЭД: | МФО: 00014 ИНН:200056272 ОКОНХ 91511 |
| Тел: | Тел: |
| **Рахбар:** **Д.Сотволдиев** | **Рахбар:** **А. Рахманов** |
| М.У имзо ФИШ | М.У имз ФИШ |